

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМАСИ № 4

Урганч шаҳри

2022 йил 6 июль.

Хоразм вилоят негионлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази номидан
Низом асосида фаолият юритувчи

(муассаса номи)

марказ директори **А.Искандаров** (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва
(Ф.И.Ш.)

«PROF AUTSORSING SERVICE URGANCH» Оилавий корхонаси номидан Устав асосида
(ташкилот номи)

фаолият юритувчи директор **Ш.Қ.Шокирова** (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан
(Ф.И.Ш.)

кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини **Иссик овқатлар билан таъминлаш**

(аутсорсерга ўтказилган хизмат номи)

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил 6 июлдан.

2022 йил 31 декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибида расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб, Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-ракамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қўйидаги хуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташки қисмида техник жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қўйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, саклаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини иккى ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида белуп тўғрилаши;

- 2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;
- 2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;
- 2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя килиш мажбуриятини юклаши;
- 2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
- 2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда саклаши, таъмиралиши, шунингдек, биноларни таъмиралиши;
- 2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;
- 2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишида огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;
- 2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);
- 2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. **Буюртмачи қўйидаги хуқуқларга эга:**

- 2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;
- 2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;
- 2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишида огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;
- 2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқлар.

2.4. **Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:**

- 2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;
- 2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча бепул фойдаланишга бериши;
- 2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

- 3.1. Мазкур шартноманинг иловасига (сфекификацияга) мувофиқ хизматлар нархи **225 400 000** (Икки юз йигирма беш миллион турт юз минг) сўм **9200** порция иссиқ овқатни ташкил этади.
«Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг ҳисоб ракамига шартномада курсатилган хизмат тури миқдори суммасининг 30% фоизи олдиндан 3 банк кунида утказишни уз зиммасига олади. Колган 70% фоизи маҳсулот тулиқ етказиб берилгандан кейин утказишни уз зиммасига олади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташабbusи билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

- 4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлади, бунда

пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошка норматив-хукукий хўжжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўtkазишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар ўртасида музокара ўtkазиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўtkазиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажкор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганини учун, агар бундай ҳолатлар енгиг бўлмас куч, яни табии оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва шартномага тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурiladi.

VII. Якунловчи қонидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва 2021-йил 31-декабр кунигача ёки муддатидан олдин бекор қилингунига кадар амал қиласди.

IX. Томонларнинг маизили ва банк реквизитлари

«Буюртмачи»

«Аутсорсер»

<p>«PROF AUTSORSING SERVICE URGANCH» Оилавий корхонаси</p> <p>“PROF AUTSORENG SERVICE URGANCH” O.K. Xorazm viloyati Urganch shahar Sherolziy k. 76-b-uy.</p> <p>H/R: 2020 8000 7053 8971 5001 TIF “Milliybank” AJ Xorazm viloyat filiali. MFO:00547 INN: 308 489 263</p>	<p>Хоразм вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва</p> <p>ОЗБ. RESP. МИЛЛАТИЙИ ШАҲСИЯТӢИ ВАКОЛАТЛАРИНӢӢ АГЕНТСИӢ ҲОҶ. ВЛ. ТИБАВУЛЛОТӢ АДАМЛАРДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ВОЗМОЖНАСИ ҲОҶ. ВЛ. НОГИРОНЛИ҆ ГИ. ОЛ. САН. ШАҲСИЯТӢӢ РЕАБИЛИТАЦИЯ ОЛШИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ URGANCH SH. “MULQUMIY” KO’CHASUUV 229-67-20-223-67-21</p> <p>SHAR:401321860334017109405344001 STIR: 202340844, XXTUT: 91550 МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ГАЗНАЧИЛГИ ГАЗНА ХР: 23402000300100001010 МАРКАЗИ BANK TOSHKENT SHAHAR XXXX STIR: 201122919 MFO: 00014</p>
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------


М.ў.
(Ф.И.О.)



Хукукшумос:

И.К.Некирова

М.ў.



А.Искандаров

(Имзо)

(Ф.И.О.)

М.ў.
И.Нурулъабданов
(Ф.И.О.)

Аусортинг шартлари асосида хизматлар курсатиш буйича

06 июн 2022 йилги № 4 шартномага Илова

СФЕЦИФИКАЦИЯ

Т/р	Махсулот түри	Ул.бир.	Микдори	Нархи	Умумий киймати
1	Нонушта	Порц	9200	3500	32200000
2	Тушлик (суюк)	Порц	9200	5000	46000000
3	Тушлик (куюк)	Порц	9200	11000	101200000
4	Кечки овкат	Порц	9200	5000	46000000
	Жами:		9200	24500	225400000



Ш.К.Шокирова
(Ф.И.О.)



"Буюртмачи"
А.Искандаров
(Ф.И.О.)

T/p	Ойлар	Ойдаги куилар сони	Үлчов бирлиги	Хизмат бирлігінің үчүн парх (сұм)	Хизмат бирліктерінің сони	Жами сумма ККС сиз (сұм)	ККС ____%
1	июль	31	Порция	3 500	1 550	5425000	0
			Порция	5 000	1 550	7750000	
			Порция	11 000	1 550	17050000	0
			Порция	5 000	1 550	7750000	0
		жами		24 500	1 550	37975000	0
2	август	31	Порция	3 500	1 550	5425000	0
			Порция	5 000	1 550	7750000	
			Порция	11 000	1 550	17050000	0
			Порция	5 000	1 550	7750000	0
		жами		24 500	1 550	37975000	0
3	сентябрь	30	Порция	3 500	1 500	5250000	0
			Порция	5 000	1 500	7500000	
			Порция	11 000	1 500	16500000	0
			Порция	5 000	1 500	7500000	0
		жами		24 500	1 500	36750000	0
4	октябрь	31	Порция	3 500	1 550	5425000	0
			Порция	5 000	1 550	7750000	
			Порция	11 000	1 550	17050000	0
			Порция	5 000	1 550	7750000	0
		жами		24 500	1 550	37975000	0
5	ноябрь	30	Порция	3 500	1 500	5250000	0
			Порция	5 000	1 500	7500000	
			Порция	11 000	1 500	16500000	0
			Порция	5 000	1 500	7500000	0
		жами		24 500	1 500	36750000	0
5	декабрь	31	Порция	3 500	1 550	5425000	0
			Порция	5 000	1 550	7750000	
			Порция	11 000	1 550	17050000	0
			Порция	5 000	1 550	7750000	0
		жами		24 500	1 550	37975000	0
	Шартнома нинг жами суммаси	184		24 500	9 200	225400000	0

"Аутсорсер"

«PROF AUTSORSING SERVICE URGANCH»
Оилавиј корхонаси



"Буюртмачи"

Хоразм вилоят негирилді бұлған шахсларни
реабилитация кишиші ва протезлаш марказы

